



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРРУПЦИЯВИЙ-КОМПЛАЕНС НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

**Юнусов Бахтиёр Шавкатович**

*Мустақил татқиқотчи*

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида комплаенс назоратини ташкил қилиш асослари ва унинг зарурияти муҳокама қилинади. Ички назоратнинг таърифи берилган, комплаенс назоратининг асосий элементлари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс назорати тизими батафсил таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** комплаенс, коррупция, комплаенс ходим, контрагент, коррупция хавф-хатарлари, комплаенс дастури

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Базел қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари, Республикада комплаенс фаолиятининг энг муҳим муаммолари, шунингдек, тижорат банкларида комплаенс назоратини ривожлантириш йўналишини белгиловчи асосий омиллар аниқланган. Республика тижорат банкларида комплаенс назоратида вужудга келаётган муаммолар кўтарилиб, муаллиф томонидан уларнинг ечимлари берилган

Илғор ҳорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётига асосланган кўп мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усулларига мувофиқ, юқори самарадорликни таъминловчи энг муҳим чора-тадбирлардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳисобланади.

Банкларда коррупцияга қарши комплаенс назорати – банк фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган чора-тадбирлар йиғиндиси.

Комплаенс-назорат тизимининг халқаро принциплари сифатида қуйидагиларга аҳамият қаратилади:

– Шахсий намуна (tone at the top) - раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва бунда жамоага шахсан намуна бўлиш;

– Коррупцияга нисбатан муросасизлик (zero tolerance to corruption) - ходимларда коррупцияга нисбатан "0" (ноль) даражадаги муросасизлик маданиятини шакллантириш;



- Очиқлик ва шаффофлик (openness and transparency) - фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш;
- Хабар бериш сиёсати (internal/external whistleblowing policy) - қонун бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби;
- Комплаенс дастури (compliance program) - коррупцияга қарши курашиш сиёсатини қамраб олувчи жараёнлар;
- Комплаенс ходим (compliance officer) - ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали юритиш учун жавобгар шахс;
- Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш (compliance risk assessment) - фаолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ва уларни баҳолаб борилишини мониторинг қилиш;
- Самарадорлик ва малака ошириш (competence and training) - ходимларни коррупцияга қарши маданияти ва билимини мунтазам ошириб бориш мақсадида ўқитиш;
- Тизимли таҳлил (monitoring) - Коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" хизматининг самарали фаолият юритиб боришини мунтазам равишда баҳолаб, мониторинг қилиш;
- Контрагент (due diligence) - учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш.

Барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш, тизим сифатида илғор хорижий тажриба даражасида ташкил этиш махсус ваколатли давлат органи бўлган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилмоқда.

Ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаласини жорий этишдан қуйидаги мақсадларга эришиш кўзланган:

- ташкилот ва унинг тизимида коррупцияга қарши курашиш буйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш;
- коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;
- коррупциявий хатти-харакатлар содир этилишининг олдини олиш;
- ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;
- ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар (халқаро ва миллий) ижросини таъминлаш ва ташкилотда коррупцияга қарши курашишнинг





таъсирчан механизмларини самарали ташкил этилишига қаратилган бошқа чораладан иборат.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

Ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик олиб бориш.

Бугунги кунда, тижорат банкларида ташкил этилган коррупцияга қарши курашувчи назорат тузилмалари фаолияти мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши комплаенс назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйишда халқаро тажриба ва белгиланган талаблардан оғиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Хусусан, айрим банкларда коррупцияга қарши комплаенс назорат тузилмаси алоҳида таркибий бўлинма сифатида ташкил этилмасдан, зиммасига коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ бўлмаган функция юклатилган таркибий бўлинмалар таркибида ташкил этилган. Ўз навбатида, таркибий бўлинма фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан бир қаторда, бошқа юқори турувчи ташкилотлар томонидан ҳам олиб борилади. Таркибий бўлинма устидан регулятор вазифаси икки ва ундан ортиқ ташкилотлар томонидан олиб борилади. Регуляторлар турли бўлганлиги боис улар томонидан тегишли функцияларни бажарувчи таркибий тузилмага қўйилган талабларнинг тўқнаш келиши ҳолатлари мавжуд.

Агентлик коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари (парламент) олдида ҳисобдордир.

Агентликнинг асосий мақсад ва вазифалари:

- мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш;
- коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни аниқлаш;
- коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни амалга ошириш;



- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш;

- вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (комплаенс-назорат)ни жорий этиш;

- давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш;

- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ва бошқалар.

Коррупцияга қарши комплаенс назорат тузилмаси банкда коррупцияга қарши курашиш, уни олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Комплаенс назорати ўз ўрнида Коррупцияга қарши курашиш соҳасини ҳам комплаенс текширувларини амалга ошириши лозим. Банкларда ушбу жараён комплаенс тузилмаси томонидан амалга оширилмоқда, бироқ ушбу жараённинг баҳолаш объекти ва баҳоловчининг ташкилий тузилиши бир бўлганлиги боис, ҳолисона амалга оширилади дейиш қийин. Бугунги кунда ушбу баҳолаш жараёни Коорупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил қилинган электрон платформа орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқароларнинг бу соҳадаги саводхонлиги ҳам алоҳида ўрин тутди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналлари орқали келиб тушаётган мурожатларнинг аксарияти техник ҳарактерга эга бўлиб, коррупцияга оид бўлмаган мурожатларни ташкил этиши бунинг яққол ифодаси.

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини тартибга соладиган қуйидаги муносабатлар соҳа фаолияти самарадорлигида муҳим рол ўйнайди ва банк тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади. Жумладан,

- коррупцияга қарши курашиш сиёсати;
- одоб-ахлоқ қоидалари;
- коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;
- манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;





- алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти;
- ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;
- контрагентларни текширишга оид йўриқнома;
- ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;
- коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;
- коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш регламенти;
- коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;
- давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом ва тартиби кабилар.

Хулоса ўрнида бугунги кунда банкларда коррупцияга қарши комплаенс назорати тузилмаси фаолияти халқаро стандартлар асосида, хорижий тажрибани таҳлил қилган ҳолда ҳуқуқий асослари яратилиб, тегишли босқичларда ва кетма кетликда амалга оширилмоқда.

Ҳар қандай тизим жорий қилинишида, ривожланишида бир қанча камчиликлар, турли хил ёндошувларга дуч келади. Ўйлаймизки Ўзбекистон тижорат банклари назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи томонидан тавсиявий характердаги намунавий ички меъерий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ва хорижий илғор тажрибани ҳисобга олган ёндошуви энг оптимал ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни 03.01.2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон Қарори.



5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи (2021 йил 8 сентябрь, рўйхат рақами 3319).

6. Халқаро ISO 37001:2016 "Пора олиш-бериш билан курашиш менежменти тизимлари" стандарти.